



New Day in Medicine
Новый День в Медицине

NDM



TIBBIYOTDA YANGI KUN

Ilmiy referativ, marifiy-ma'naviy jurnal



AVICENNA-MED.UZ



ISSN 2181-712X.
EiSSN 2181-2187

9 (71) 2024

Сопредседатели редакционной коллегии:

**Ш. Ж. ТЕШАЕВ,
А. Ш. РЕВИШВИЛИ**

Ред. коллегия:

М.И. АБДУЛЛАЕВ
А.А. АБДУМАЖИДОВ
Р.Б. АБДУЛЛАЕВ
Л.М. АБДУЛЛАЕВА
А.Ш. АБДУМАЖИДОВ
М.А. АБДУЛЛАЕВА
Х.А. АБДУМАЖИДОВ
Б.З. АБДУСАМАТОВ
М.М. АКБАРОВ
Х.А. АКИЛОВ
М.М. АЛИЕВ
С.Ж. АМИНОВ
Ш.Э. АМОНОВ
Ш.М. АХМЕДОВ
Ю.М. АХМЕДОВ
С.М. АХМЕДОВА
Т.А. АСКАРОВ
М.А. АРТИКОВА
Ж.Б. БЕКНАЗАРОВ (главный редактор)
Е.А. БЕРДИЕВ
Б.Т. БУЗРУКОВ
Р.К. ДАДАБАЕВА
М.Н. ДАМИНОВА
К.А. ДЕХКОНОВ
Э.С. ДЖУМАБАЕВ
А.А. ДЖАЛИЛОВ
Н.Н. ЗОЛотова
А.Ш. ИНОЯТОВ
С. ИНДАМИНОВ
А.И. ИСКАНДАРОВ
А.С. ИЛЬЯСОВ
Э.Э. КОБИЛОВ
А.М. МАННАНОВ
Д.М. МУСАЕВА
Т.С. МУСАЕВ
М.Р. МИРЗОЕВА
Ф.Г. НАЗИРОВ
Н.А. НУРАЛИЕВА
Ф.С. ОРИПОВ
Б.Т. РАХИМОВ
Х.А. РАСУЛОВ
Ш.И. РУЗИЕВ
С.А. РУЗИБОВЕВ
С.А.ГАФФОРОВ
С.Т. ШАТМАНОВ (Кыргызстан)
Ж.Б. САТТАРОВ
Б.Б. САФОВЕВ (отв. редактор)
И.А. САТИВАЛДИЕВА
Ш.Т. САЛИМОВ
Д.И. ТУКСАНОВА
М.М. ТАДЖИЕВ
А.Ж. ХАМРАЕВ
Д.А. ХАСАНОВА
А.М. ШАМСИЕВ
А.К. ШАДМАНОВ
Н.Ж. ЭРМАТОВ
Б.Б. ЕРГАШЕВ
Н.Ш. ЕРГАШЕВ
И.Р. ЮЛДАШЕВ
Д.Х. ЮЛДАШЕВА
А.С. ЮСУПОВ
Ш.Ш. ЯРИКУЛОВ
М.Ш. ХАКИМОВ
Д.О. ИВАНОВ (Россия)
К.А. ЕГЕЗАРЯН (Россия)
DONG JINCHENG (Китай)
КУЗАКОВ В.Е. (Россия)
Я. МЕЙЕРНИК (Словакия)
В.А. МИТИШ (Россия)
В.И. ПРИМАКОВ (Беларусь)
О.В. ПЕШИКОВ (Россия)
А.А. ПОТАПОВ (Россия)
А.А. ТЕПЛОВ (Россия)
Т.Ш. ШАРМАНОВ (Казахстан)
А.А. ЩЕГОЛОВ (Россия)
Prof. Dr. KURBANHAN MUSLUMOV (Azerbaijan)
Prof. Dr. DENIZ UYAK (Germany)

**ТИББИЁТДА ЯНГИ КУН
НОВЫЙ ДЕНЬ В МЕДИЦИНЕ
NEW DAY IN MEDICINE**

*Илмий-рефератив, маънавий-маърифий журнал
Научно-реферативный,
духовно-просветительский журнал*

УЧРЕДИТЕЛИ:

**БУХАРСКИЙ ГОСУДАРСТВЕННЫЙ
МЕДИЦИНСКИЙ ИНСТИТУТ
ООО «ТИББИЁТДА ЯНГИ КУН»**

Национальный медицинский
исследовательский центр хирургии имени
А.В. Вишневского является генеральным
научно-практическим
консультантом редакции

Журнал был включен в список журнальных
изданий, рецензируемых Высшей
Аттестационной Комиссией
Республики Узбекистан
(Протокол № 201/03 от 30.12.2013 г.)

РЕДАКЦИОННЫЙ СОВЕТ:

М.М. АБДУРАХМАНОВ (Бухара)
Г.Ж. ЖАРЫЛКАСЫНОВА (Бухара)
А.Ш. ИНОЯТОВ (Ташкент)
Г.А. ИХТИЁРОВА (Бухара)
Ш.И. КАРИМОВ (Ташкент)
У.К. КАЮМОВ (Тошкент)
Ш.И. НАВРУЗОВА (Бухара)
А.А. НОСИРОВ (Ташкент)
А.Р. ОБЛОКУЛОВ (Бухара)
Б.Т. ОДИЛОВА (Ташкент)
Ш.Т. УРАКОВ (Бухара)

9 (71)

2024

сентябрь

www.bsmi.uz

<https://newdaymedicine.com> E:

ndmuz@mail.ru

Тел: +99890 8061882

Received: 20.08.2024, Accepted: 02.09.2024, Published: 10.09.2024

УДК 616-006.442:[616-033:611-018.5]-005.1-08.

ХОРАЗМ ВИЛОЯТИ АҲОЛИСИ ОРАСИДА ТАРҚАЛГАН ХОДЖКИН ЛИМФОМАСИНИНГ ПАТОМОРФОЛОГИК ХУСУСИЯТЛАРИ

М.А. Қадамова <https://orcid.org/0009-0002-4201-5940>

У.А. Рузметов, Б.С. Юлдашев.

Тошкент тиббиёт академияси Урганч филиали Ўзбекистон, Хоразм вилояти, Урганч шаҳри,
Ал-Хоразмий кўчаси 28-уй Тел: +998 (62) 224-84-84 E-mail: info@urgfiltma.uz

✓ Резюме

Мазкур мақолада Хоразм вилоятида яшовчи, Ходжкин лимфомаси таъхиси билан Республика онкология ва радиология ихтисослаштирилган илмий-амалий маркази Хоразм филиалида 2019-2023 йиллар давомида даволаниб, диспансер назоратида бўлган беморларнинг касаллик тарихлари ҳамда амбулатлор карталари маълумотлари ретроспектив таҳлили натижалари ўрганилиб, Ходжкин лимфомаси таъхиси аниқланган беморларнинг лимфа тугунларида юзага келадиган патоморфологик ўзгаришларни, Ходжкин лимфомасининг гистологик шаклларидаги гистологик ва иммуногистокимёвий ўзгаришларини микроскопик жиҳатидан ўрганишда олинган таҳлил натижалари баён қилинади.

Калит сўзлар: Ходжкин лимфомаси, микроскопик ўзгаришлар, Ходжкин лимфомасининг патоморфологик тавсифи, Ходжкин лимфомасининг гистологик шакллари, Ходжкин лимфомаси таъхисидан иммуногистокимёвий текиширишларнинг аҳамияти.

ПАТОМОРФОЛОГИЧЕСКАЯ ХАРАКТЕРИСТИКА ЛИМФОМЫ ХОДЖКИНА, РАСПРОСТРАНЕННОЙ СРЕДИ НАСЕЛЕНИЯ ХОРАЗМСКОЙ ОБЛАСТИ

М.А.Кадамова <https://orcid.org/0009-0002-4201-5940>

Ю.А.Рузметов. Б.С. Юлдашев.

Ургенчский филиал Ташкентской медицинской академии Узбекистан, Хорезмская область,
город Ургенч, улица Ал-Хорезми №28 Тел: +998 (62) 224-84-84 E-mail: info@urgfiltma.uz

✓ Резюме

В данной статье проведен ретроспективный анализ данных историй болезни и амбулаторных карт больных, проживающих в Хорезмской области, у которых диагностирована Ходжкинская лимфома и которые проходили лечение в Хорезмском филиале Республиканского специализированного научно-практического центра онкологии и радиологии в течение 2019-2023 гг., было изучено результаты анализов, описаны патоморфологические, гистологические и иммуногистохимические изменения при микроскопических формах Ходжкинской лимфомы, которые возникают в лимфатических узлах больных.

Ключевые слова: Ходжкинская лимфома, микроскопические изменения, патоморфологическая характеристика лимфомы Ходжкина, гистологические формы лимфомы Ходжкина, значение иммуногисто-химических исследований в диагностике лимфомы Ходжкина.

PATHOMORPHOLOGICAL CHARACTERISTICS OF HODGKIN'S LYMPHOMA, WIDESPREAD AMONG THE POPULATION OF THE KHORAZM REGION

М.А. Kadamova <https://orcid.org/0009-0002-4201-5940>

U.A. Ruzmetov, B.S.Yuldashev

Urgench branch of the Tashkent Medical Academy Uzbekistan, Khorezm region, Urgench city, Al-Khorezmi street No. 28 Tel: +998 (62) 224-84-84 E-mail: info@urgfiltma.uz

✓ Resume

This article provides a retrospective analysis of case histories and outpatient cards of patients living in the Khorezm region who were diagnosed with Hodgkin's lymphoma and who were treated at the Khorezm branch of the Republican Specialized Scientific and Practical Center of Oncology and Radiology during 2019-2023. The results of the analysis were studied, pathomorphological changes that occur in the lymph nodes of patients diagnosed with Hodgkin's lymphoma, and histological and immunohistochemical changes in microscopic forms of Hodgkin's lymphoma were described.

Key words: Hodgkin's lymphoma, microscopic changes, pathomorphological characteristics of Hodgkin's lymphoma, histological forms of Hodgkin's lymphoma, the importance of immunohistochemical studies in the diagnosis of Hodgkin's lymphoma.

Долзарблиги

Ходжкин лимфомаси нисбатан кам учрайдиган ўсма бўлиб, барча лимфомаларнинг 30% ини ташкил қилади (Stein X ва бошқалар (2001), Metzger ML, Mauz-Körholz C (2019). Муаллифларнинг таъкидлашича, сўнгги ўн йилликлар давомида Ходжкин лимфомаси билан касалланиш даражаси, турли ёш популяцияларида ва Осиё мамлакатлари аёллар орасида учраш даражаси ортиб бормоқда [3,7].

Ҳозирги кунгача бу касалликнинг асл сабаби номаълумлигича қолмоқда, аммо турмуш тарзи ва метаболик хавф омилларининг ортиб бораётган тарқалиши билан боғлиқ бўлиши ҳам мумкин. Бу саратон касаллигини эрта ташхислаш ва даволашдаги ютуқлар туфайли Ходжкин лимфомасидан ўлим даражаси камайиб бормоқда [1,4,7,10,13]. Аёллар, турли ёш популяциялари орасида ва Осиё мамлакатларида Ходжкин лимфомаси билан касалланиш даражасининг ошиши семириш ва метаболик касалликларнинг ортиб бораётган тенденцияларига боғлиқ ҳолда юз бериши мумкин [2,6,9,11]. Масалан, касалликнинг тарқалиш даражаси аёллар ва эркеклар орасида 9,4-27,2% ни ташкил қилиб, асосий сабабларидан бири бўлган ортиқча вазн (семизлик) 1980 йилдаги 30 %дан 2013 йилда 38% гача ошганлиги аниқланган. 1985 йилдан 2014 йилгача бўлган даврда 15-40 ёшдагилар орасида семизлик 16,3-33,9%, кекса ёшдагилар орасида 43,6-57,9%ни ташкил қилган [2,5,8,12]. Осиё мамлакатларида семирган аёлларнинг улуши глобал ўртача кўрсаткичдан тезроқ ўсди ва у билан боғлиқ тиббий ва ижтимоий муаммолар касалликни турли жиҳатларини, шу жумладан морфологик хусусиятларини, айниқса минтақавий хусусиятлар контекстида ўрганиш муҳимлигини таъкидлайди [1,6,11,12].

Замонавий адабиётларда Ходжкин лимфомасининг полиэтиологик характерга эгаллиги ва унинг географик омилларга кўп жиҳатдан боғлиқ эканлигини тасдиқловчи маълумотлар мавжуд.

Шу нуқтаи назардан қараладиган бўлса, Ходжкин лимфомаларини ҳудудий жиҳатдан ўрганишга қизиқиш пайдо бўлади.

Тадқиқот мақсади: Хоразм вилояти ҳудудида яшовчи Ходжкин лимфомаси билан касалланган беморлар орасида лимфомаларнинг патоморфологик характеристикасини, цитологик ва патогистологик шаклларини, беморларда ўтказилган операциялар ва уларнинг ташхис қўйишдаги аҳамиятини ўрганиш.

Материал ва усуллар

Республика онкология ва радиология ихтисослаштирилган илмий – амалий тиббиёт маркази Хоразм филиалида 2019-2023 йиллар давомида Ходжкин лимфомаси ташхиси билан даволанишда бўлган 80 нафар беморнинг касаллик тарихи, амбулатор карталари ретроспектив ўрганилиб, гистологик, иммуногистокимёвий текширувлар ўтказилди, беморларда ўтказилган операциялар натижалари ўрганилди.

Натижа ва таҳлиллар

Тадқиқот ишлари Республика онкология илмий-амалий маркази Хоразм филиалида 2019-2023 йиллар давомида Ходжкин лимфомаси касаллиги ташхиси қўйилиб, диспансерда даво муолажаларини олган 80 нафар бемор натижалари таҳлил қилинди. Касалликнинг классик варианты умумий ҳисобда 31(38,75) та беморда аниқланиб, шулардан 16(20,0%) нафари бўйин

лимфа тугунида, 2(2,5%) нафари ичак тутқичи атрофи лимфа тугунларида, 8(10,0%) нафари қўлтиқ ости лимфа тугунлари ва 5(6,25%)га ҳолатда чов соҳаси лимфа тугунларида аниқланган; Нодуляр склероз варианты умумий 26(32,50 %) нафар беморда аниқланган, шулардан 14(17,5 %) бўйин, 1(1,25 %) ичак тутқичи, 9(11,25%) қўлтиқ ости, 2(2,5%) та ҳолатда чов соҳаси лимфа тугунларида аниқланган; Аралаш вариантыда умумий 14(17.50%) та бемор аниқланиб шундан 7(8.75 %) нафари бўйин 1(1.25 %) ичак тутқичи, 5(6.25%) нафари қўлтиқ ости лимфа тугунида ва 1(1.25%) нафар беморда чов соҳаси лимфа тугунида аниқланди; Лимфоид хужайралар кам варианты умумий 9(11.25%) та беморда аниқланиб шундан бўйин лимфа тугунида учраши 4(5.0%) нафар беморда кузатилган. Қўлтиқ ости лимфа тугунларида 3(3.75%) нафар беморда учради ва 10(12.50%) нафар беморда чов соҳасида кузатилди. Илмий изланиш давомида олинган натижалар 1-жадвалда ўз аксини топган.

1-жадвал

Ходжкин лимфомаси гистологик шаклларининг учраш даражаси

Гистологик вариантлари	умумий		Бўйин		Ичак тутқичлари		Қўлтиқ ости		Чов соҳаси	
	abs	%	abs	%	abs	%	abs	%	abs	%
Классик	31	38,75%	16	20.0%	2	2.5%	8	10.0%	5	6,25%
Нодуляр склероз	26	32,50%	14	17.5%	1	1.25%	9	11,25%	2	2.5%
Аралаш	14	17,50%	7	8.75%	1	1.25%	5	6.25%	1	1.25%
Лимфоид хужайралар кам	9	11,25%	4	5.0%	0	%	3	3.75%	2	2.5%
Жами	80	100	41	51,25%	4	5,00%	25	31,25%	10	12,50%

Лимфогрануломатоз (Ходжкин лимфомаси)ни гистологик жиҳатдан ташхислаш патологик жараённинг иккита ажралмас компонентини: 1) Березовский-Штернберг-Рид ўсма хужайралари диагностикаси ва 2) ўсма бўлмаган хужайралар орасида жойлашган, ўсманинг типик гистологик вариантларидан бирини ташкил этувчи Ходжкин хужайраларини аниқлашни ўз ичига олади.

Олинган тадқиқотлар натижалари шуни кўрсатадики Ходжкин лимфомасининг лимфоид хужайралари устунлиги бўлганида 36,2% ҳолатда СД3, СД15, СД20 ва СД30, тугунли турида 28,4% ҳолатда, + СД45 занжири, бошқаларида 21,8% ҳолатларда СД57 розеткалари СД23 сезгирлиги аниқланди.

Классик Ходжкин лимфомасида иммуногистохимёвий маркерлар ёрдамида текширишларнинг 90% дан ортиғи ижобийлиги аниқланди. Классик вариантдаги Ходжкин лимфомасида СД15 маркери билан текширилганида кўп сонли лимфоцитлар билан лимфогистиоцитар хужайралар ва моноклеар шакллар аниқланди. Бу хужайра мембранасида ва цитоплазманинг перинуклеар зонасида СД30 маркери билан экспрессияланиш 17 нафар беморнинг деярли барчасида (90%) ва СД15 маркери билан экспрессияланиш 75% ҳолларда аниқланди. СД20 маркери билан тахминан 40% ҳолларда экспрессияланиш кузатилди.

2019-2023 йиллар давомида даволаниб, диспансер назоратида бўлган беморларнинг 80 нафаридан фақатгина 17 нафарига иммуногистохимёвий текширувлар ўтказилган ва шу иммуногистохимёвий текширувлар натижасида Ходжкин лимфомасининг аниқланган шакллари ичида энг кўп учрагани аралаш хужайрали тури бўлиб, 6 та ҳолатда кузатилган ва 7.5% ни ташкил қилди. Лимфогистиоцитар (классик) тури 4 та ҳолатда аниқланиб 5.0% ни, Нодуляр склероз тури 4 та ҳолатда аниқланган ва 5.0 % ни ташкил қилди. Лимфоцитларнинг камайиши билан учровчи тури 3 нафар беморда кузатилган ва 3.75 % ни ташкил қилди, бундан кўриниб турибдики, Ходжкин лимфомаси ташхисотида ўтказиладиган диагностик усуллар орасида гистологик ва иммуногистохимёвий усулларнинг аҳамияти юқори аниқликка эгаллиги билан устунлик қилди.

Гистологик турлар	Сони	Фоизи
Аралаш хужайрали тури	6	7.5%
Нодуляр склероз	4	5.0%
Лифогистиоцитар (классик)	4	5.0%
Лимфоцитлар камайиши билан кечувчи	3	3.75%

Ходжкин лимфомаси билан оғриган беморларда ўтказилган операцияларни таҳлил қилинганда асосан, бу амалиётлар аниқ ташхис қўйиш учун қилинган биопсия амалиёти эканлиги аниқланди. Ўтказилган операциялар орасида энг олдинги ўринда чап бўйин лимфа тугунида қилинган операциялар жойлашиб 19(23.75%) нафарни ташкил қилди. Кейинги ўринларда ўнг бўйин лимфа тугунида қилинган амалиётлар жойлашган бўлиб, 8 та ҳолатда кузатилди ва 10% ни ташкил қилди. Чов, жағ ости ва ўмров усти лимфа тугунларида қилинган операциялар 4 тадан ҳолатда кузатилиб ҳар қайсиси 5.0% ни ташкил қилган.

Кейинги ўринларда кўкс оралиғи лимфа тугунлари ва кўлтиқ ости лимфа тугунлари жойлашиб 2 тадан ҳолат 2.5 % ни ташкил қилган.

Спленэктомия амалиёти ҳам 4 та беморда қилинган бўлиб 5.0 % ни ташкил қилади. Ўз навбатида Ходжкин лимфомаси талокнинг одатдагидан кўра кўпроқ ишлашига ва гемолитик анемия ёки иммун тромбоцитопенияга олиб келиши мумкин.

Ўтказилган операциялар	Сони	Фоизи
Чап бўйин лимфа тугуни	19	41.9%
Ўнг бўйин лимфа тугуни	8	17.1%
Жағ ости лимфа тугуни	4	8.5%
Ўмров усти лимфа тугуни	4	8.5%
Кўкс оралиғи лимфа тугуни	2	4.5%
Кўлтиқ ости лимфа тугуни	2	4.5%
Чов соҳа лимфа тугуни	4	8.5%
Спленэктомия	3	6.5%
Жами	45	100%

Хулоса

Хулоса ўрнида шуни айтиш мумкинки, Ходжкин лимфомасининг классик тури бошқа турларига қараганда кўпроқ кузатилади ва локализацияси бўйича биринчи учрайдиган жойи бўйин лимфа тугунлари ҳисобланган. Бундан кўриниб турибдики, беморларда ўтказилган ўткир вирусли касалликлар, фарингит, ларингитлардан кейинг иммунитет пасайиши туфайли биринчи энг яқин лимфа тугуни зарарланиши мумкин.

Шуни ҳам таъкидлашимиз керакки, Ходжкин лимфомаси билан касалланган беморларга ташхис қўйишда цитология лаборатория текширувидан кўра гистологик ва иммуногистокимёвий текширув усуллари энг юқори аҳамиятга эга эканлиги билан устунлик қилади.

АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ:

1. Аббасбейли Ф. М. и др. Клинические возможности проточной цитометрии при лимфоме Ходжкина //Онкогематология. 2023;18(3):70-77.
2. Барам Д. В., Криволапов Ю. А. Причины лимфаденопатий у пациентов с вич-инфекцией по результатам биопсий лимфатических узлов //Вестник гематологии. 2022;18(2):38-39.
3. Бақытқызы Д.А. и др. Особенности течения лимфомы Ходжкина у детей разных возрастов //Colloquium-journal. – Голопристанський міськрайонний центр зайнятості, 2020;10(62):87-89.
4. Гильмуллина А.З., Переточкина П.А. Клинико-морфологические и молекулярно-генетические особенности лимфомы ходжкина в республике Татарстан за период 2018–2021 гг //Вестник медицинского института «Реавиз»: реабилитация, врач и здоровье. 2023;13(2):108-108.
5. Гильмуллина А.З., Переточкина П.А. Морфология, патология, клинико-лабораторная диагностика //Вестник. 2023; С. 107.

6. Демина Е. А. и др. Лимфома Ходжкина //Современная онкология. 2020;22(2):6-33.
7. Демина Е. А., Тумян Г. С., Чекан А. А., Кичигина М. Ю., Антипова А. С., Пробатова Н. А., Павловская А. И., Кокосадзе Н. Е., Ковригина А. М., Трофимова О. П., Османов Е. А. Редкое заболевание — Нодулярная лимфома Ходжкина с лимфоидным преобладанием: обзор литературы и собственные наблюдения //Клиническая онкогематология. 2014;4.
8. Ермаков Н.Б. и др. Лимфома Ходжкина в Республике Беларусь. Результаты лечения пациентов, заболевших в 2010-2015 годах, по данным Белорусского канцер-регистра //Медицинские новости. 2020;6(309):52-56.
9. Камолова Ф.Ш. и др. Эпидемиологические и клинические особенности лимфопролиферативных заболеваний с поражением органов головы и шеи //Онкогематология. 2021;16(3):105-117.
10. Кацуба К. Е. и др. Диагностический потенциал CD30 (+)-нановезикул плаз-мы при лимфоме Ходжкина //Онкогематология. 2023;18(4):145-155.
11. Китаева Ю. С., Праскурничий Е. А. Алгоритм оценки факторов риска нарушений минеральной плотности костной ткани на фоне патогенетической терапии лимфомы ходжкина //Сибирское медицинское обозрение. 2023;1(139):31-36.
12. Ковальская В.Ю. и др. Опыт лечения лимфомы Ходжкина, протекающей на фоне ВИЧ //Российский журнал персонализированной медицины. 2023;3(5):60-73.
13. Ковригина А.М. Сравнительная патоморфологическая характеристика изменений в лимфатических узлах при болезни Кикучи-Фуджимото и аутоиммунных заболеваниях, протекающих с лимфаденопатией (собственные данные) //Клиническая онкогематология. Фундаментальные исследования и клиническая практика. 2021;14(1):80-90.

Қабул қилинган сана 20.08.2024

